

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси бош директори Азизхон Хамидович Хамидовнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича

## МУРОЖААТИ

“Коррупцияга қарши кураш – умуммиллий вазифа, ҳар бир ватанпарвар юртдошимизнинг виждан ишидир” Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат МИРЗИЁЕВ

Коррупция шундай ёвуз иллатки, у халқнинг давлатга, Конституция ва қонунларга ишончига путур етказади, барқарор ривожланиш ва ҳавфсизлик учун жиддий таҳдидга айланади

У жиддий ижтимоий, маънавий, иқтисодий ва сиёсий муаммолар келтириб чиқаради, давлат органлари фаолиятига таъсир кўрсатади ҳамда ривожланишига тўсқинлик қиласди.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида 2025-йил 5-мартда Коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишлиланган кенгайтирилган йиғилишда ўз сўзининг аввалида ислоҳотлар ҳал қилувчи босқичга кираётган ҳозирги вақтда юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича ишларга баҳо бериб, келгуси вазифаларни аниқ белгилаб олиш зарурлигини таъкидлади.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш ҳамда ушбу турдаги жиноятларни содир этилишини олдини олишга қаратилган комплекс чора-тадбирлар тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупция омилларини келтириб чиқараётган тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган қатор меёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, амалий ҳаётга татбиқ этилмоқда.

“Давлат белгиси” давлат унитар корхонасида ҳам коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш, уни келтириб чиқариши мумкин бўлган сабаб ва шарт-шароитларни барвақт аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича самарали тизимни шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, корхонада коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси ташкил этилганлиги, коррупцияга қарши курашиш бўйича ички меёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилганлиги, ишга қабул қилишни очиқ танлов асосида амалга ошириш, харидларни амалга оширишда коррупциявий хатарларни аниқлаш ва бартараф этиш амалиётлари жорий қилинганлиги каби қатор амалий ишларни келтириб ўтиш мумкин.

Шунингдек, Давлатимиз раҳбарининг 2022-йил 29-июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини

такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ- 6013-сонли Фармонида ISO 37001:2016 коррупцияга қарши курашиш халқаро стандартини қўллашни кўзда тутувчи талабни ўрнатиш вазифаси қўйилган.

Шунга кўра, корхонада мазкур тизимни жорий этиш мақсадида сертификациялаш ташкилоти томонидан сертификациялаш аудити муваффақиятли ўтказилди ҳамда корхона **ISO 37001:2016** халқаро стандарт талабларини қўллашга мувофиқлиги тасдиқланди.

ISO 37001:2016 халқаро стандарт сертификатини олиш орқали корхона ўзининг ҳамкорларига, давлат идоралари ва бошқа манфаатдор шахсларга коррупция ҳолатларини олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш учун зарур бўлган барча чораларни халқаро стандартларга мувофиқ амалга ошираётганини кўрсатади.

Корхонада коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш, уни келтириб чиқариши мумкин бўлган сабаб ва шарт-шароитларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш ҳамда коррупцияга қарши муросасиз муҳитни шакллантириш борасидаги ишлар келгусида ҳам изчиллик билан давом эттирилади.

“Давлат белгиси” давлат унитар корхонаси коррупцияга қарши курашиш ва коррупциявий ҳолатларни барвақт олдини олиш бўйича ишларни самарали ташкил этишда корхона ишчи-ходимлари ҳамда фуқароларимизнинг фаоллигини ва ташабbusларини қуллаб-куватлади.

Корхона ходимларининг қонунчиликка зид хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизликларининг гувоҳи бўлсангиз ёки ходимларнинг коррупция ва бошқа ҳукуқбузарлик ҳолатларига алоқадорлиги юзасидан маълумотларга эга бўлсангиз, “Давлат белгиси” давлат унитар корхонасининг [\(88\) 148-14-22](#) рақамли ишонч телефони, [@davlat.belgisi](mailto:@davlat.belgisi) телеграмм боти, [www.davlatbelgisi.uz](http://www.davlatbelgisi.uz) расмий веб-сайти ҳамда [komplayens@davlatbelgisi.uz](mailto:komplayens@davlatbelgisi.uz) ижтимоий тармоқидаги электрон почта алоқа каналларии орқали ўз мурожаатингизни йўллашингиз мумкин.

Мурожаатингиз қонунчилиқда белгиланган тартиб ва муддатларда кўриб чиқилади ҳамда тасдиқланган коррупциявий ҳолатлар бўйича кескин қонуний чоралар кўрилади.

Ўз навбатида, “Давлат белгиси” давлат унитар корхонасида меҳнат қилаётган ҳар бир раҳбар ва ходимни коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатда бўлишга ҳамда ўз хизмат вазифаларини ҳалол ва холис бажаришга яна бир бор чақираман.